


ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН – ЯҚИН ҚЎШНИ, ҚОН-ҚАРДОШ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 4-5 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 5 октябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Туркменистон Президенти расмий қутиб олиш маросими бўлди.

Маросимдан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов тор доирада учрашув ўтказдилар.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисини самимий қутлаб, 27 сентябрь куни нишонланган байрам — ушбу мамлакат мустақиллигининг 30 йиллиги билан яна бир бор муборакбод этди ҳамда биродар туркман халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилади.

— Хар бир учрашувимиз тарихий аҳамиятга эга муҳим воқеадир. Барча эришилган келишувлар ҳаётга татбиқ этилди ва халқларимизга хизмат қилмоқда. Бугун шериклигимизнинг долзарб масалаларини батафсил муҳокама қилиш ва узоқ муддатли истиқболга янги “ўсиш нукталари”ни белгилаб олиш учун яхши имконият бўлади. Сизнинг ташрифингиз минтақавий ва халқаро майдонда ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Туркменистон Президенти меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасидаги муносабатлар юксак даражага етганини қайд этди.

— Ўзбекистон — бизнинг яқин қўшнимиз ва стратегик шеригимиз. Кейинги йилларда ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Бу сиёсатда ҳам, савдо-иқтисодий соҳада ҳам, маданий-гуманитар соҳада ҳам ўз аксини топомқда. Минтақавий ва халқаро масалаларда бир-биримизни қўллаб-қувватлаямиз. Чўнки мақсадларимиз ҳамоҳанг, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Учрашувда давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини юксак баҳоладилар. Етакчилар Ўзбекистон — Туркменистон кўп қиррали ҳамкорлигида мавжуд масалаларнинг бутун доирасини муҳокама қилиб, конструктив сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклигини кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Кейинги тўрт йилда ўзаро савдо ҳажми уч баробар қўпайиб, 400 миллион доллардан ошди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш яна 25 фоизга ортди.

Жорий йил 14 сентябрь куни бўлиб ўтган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 16-йиғилиши ҳамда 4 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркменистон иқтисодий форуми натижалари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Икки мамлакатнинг, айниқса, чегарадош ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлигининг салоҳияти улкан экани алоҳида таъкидланди. Туркменистоннинг Лебаб ва Дошгоғуз вилоятлари раҳбарларининг шу йил 22 сентябрь куни Бухоро ва Хоразм вилоятларига дўстлик ташрифлари бунга мисолдир. Президентлар бундай мунтазам учрашувлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳамда жорий йил 6 август куни Авазда ўтказилган учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

Халқ сўзи

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 6 октябрь, № 213 (7993)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ўсимликлар карантини ва ҳимояси, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Умуман, ташриф доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини қамраб олувчи жами 23 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев музокаралар самарали ва сермазмун бўлганини, давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча йўналишларини муҳокама қилганларини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон энг яқин қўшни, биродар мамлакатлар, вақт билан синалган ишончли дўст ва ҳамкорлардир.

— Туркменистон билан ҳамкорликда халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги, тарихий-маданий ўхшашлиги, дини, маънавий қадрият ва анъаналари муштараклигига асосланган стратегик шериклик даражасига эришилганини юксак қадрлаймиз. Бугунги музокаралар натижалари ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилишимиз самимийлиги ва қатъийлигини яна бир бор аққол кўрсатди. Қардош Туркменистон билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада ижобий суръат билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Президентимиз ташриф доирасида имзоланган Чегараолди савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, учинчи мамлакатлардан келаётган импортнинг ўрнини Ўзбекистон ва Туркменистонда ишлаб чиқарилаётган ва икки мамлакат бозорларида талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирishга доир келишув ўзаро савдонинг кўпайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Саноат кооперациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Томонлар энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, қимё, транспорт ва логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олгани эътирф этилди.

Худудлараро шериклиқни фаоллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилингани таъкидланди. Чегарадош вилоятлар ўртасидаги мунтазам бевосита мулоқот ҳамда ҳар йили Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудлари форумини ўтказиш иқтисодий ҳамкорликни ўстиришнинг янги “драйвер”и бўлиб хизмат қилиши борасида яқдл фикр билдирилди. Бундай форматдаги илк учрашув келаси йил Хивада ўтказилади.

Давлат раҳбарлари транспорт соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар. Ўзаро юк ташиш ҳажми ортганини қайд этиб, томонлар транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш учун бундан буён ҳам қулай шaroитлар яратишга, шунингдек, Шимол-Жануб ва Ғарб-Шарқ йўналишларидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчан инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Сув ресурслари ва экология мавзуси, иқлим ўзгариши масалалари мамлакатларимиз иқтисодиётлари учун хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев Сув хўжалиги масалалари бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссияси ўз ишини бошлаганини мамнуният билан қайд этди.

Музокаралар кун тартибидан минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳим ўрин эгаллади.

Етакчилар минтақавий ва халқаро тузилмалар доирасидаги яқин мулоқотни давом эттиришга келишиб олдилар.

Икки мамлакат маданий, илмий ва спорт доиралари ўртасидаги алмашинувларни давом эттириш, ёшлар учрашувлари ва форумларини ўтказиш, ёшлар ташкилотлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Томонлар тиббий дипломатиянинг мақсад ва вазифаларини биргаликда илгари суришга, мамлакатларимиз халқлари ва бутун минтақанинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзаро мувофиқлашга ёндашувини ишлаб чиқишга келишдилар.

Президент Гурбангули Бердимухамедов музокаралар натижаларидан мамнун эканини билдириб, икки томонлама ҳамкорлик масалаларининг кенг доираси юзасидан ишончли ва конструктив фикр алмашилганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Туркменистоннинг муҳим савдо ҳамкорлигидан биридир. Ўзбекистонга бу галги расмий ташрифнинг асосий мақсоди — ҳурматли Президент, менинг дўстим Шавкат Мирзиёевни, унинг раҳбарлигида мамлакатнинг давлат тизимида, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни мен қатъий қўллаб-қувватлашимни намойиш этиш, — деди Туркменистон Президенти.

Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёевга Туркменистон делегациясига кўрсатилган самимий меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун миннатдорлик билдирди. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислom Қаримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз ҳайкалига гул қўйди. Бу марҳум йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат, халқларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ифодаси бўлди.

Шунинг билан Туркменистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди. Тошкент халқаро аэропортида Гурбангули Бердимухамедовни Президентимиз Шавкат Мирзиёев қузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI O'ZBEKISTON PREZIDENTI

Сайловолди ташвиқоти доирасида газетамизнинг бугунги сонида Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Максуда Ворисованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этилмоқда.

Мақкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг. >>>

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президенти таваллуд куни билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва янги муваффақиятлар, биродар Тожикистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилади.

Замонавий Тожикистоннинг давлат қурилиши соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ютуқлари, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи изчил ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотида Тожикистон расмийининг самарали натижалари ҳамда ўтган ойда Душанбе шаҳрида ушбу кўп томонлама тузилманинг юбилей саммити муваффақиятли ўтказилгани юксак баҳоланди.

Президентлар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Сиёсий ирода ва биргаликдаги саяё-ҳаракатлар тўғрйли мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди ва аниқ мазмун билан бойиди.

Фаол алоқалар ва алмашинувлар давом этмоқда, ўзаро савдо ҳажми барқарор ортиб бормоқда, машинасозлик, энергетика, электротехника, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Худудлар даражасида ва ишбилармонлар ўртасида шериклик кенгаймоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар фаоллашди. Ўтган ҳафта Тошкент кинофестивали доирасида Тожик киноси кунлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, санъат, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини тайёрлаш давом этмоқда.

Давлат раҳбарлари имзоланган битимлар ва эришилган келишувларни кенг қўламда амалга ошириш муҳим эканини таъкидлаб, қўшма ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида яқиндан ҳамкорлик ва мувофиқлашувини давом эттириш вазифасини қўйдилар.

Сухбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шу жумладан, қўшни Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Олий даражадаги учрашув ва тadbирлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

Президентларнинг телефон орқали мулоқоти хар доимгидек самимий, дўстона ва ишчан ҳудуда ўтди.

Ў.А.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ КОНСТРУКТИВ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

3-саҳифага қаранг. >>>

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



Сайлов куни яқинлашгани сари, жараён ниятда авж палласига чиқмоқда. Партиялардан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари ҳудудларда аҳоли билан мулоқот қилиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кучайтиришаётир.

Умуман олганда, сайловолди жараёнларида бир жиҳат кўзга яққол ташланмоқда — халқимизнинг сиёсий фаоллиги, маданияти анча юксалган. Қолаверса, номзодларнинг ҳар бир қадами кенг жамоатчилик, ОАВ нигоҳида бўлиб тургани учун бу йилги сайлов, айтиш мумкинки, фуқароларимизда

сайлов қонунчилиги борасидаги билимларини ҳам юксалтирди.

Нафсиламрини айтганда, дунёда қанча-қанча давлатлар бор — сайловни ташкил этиш, ўтказишга иқтисодий, ҳуқуқий ва бир қанча жиҳатдан тайёр эмас. Яқиндагина мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаган Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд сайлов тизими, сайлов қонунчилиги, ким нима деса десин, бир фуқаро сифатида мени гурурлантирди. Мана шу тугён, ўз давлатидан ифтихорланиш туйғуси, аминманки, бугун миллионлаб юртдошларимиз қалбида барқ уриб турибди.

Сайловолди штабида кўтаринки кайфият

Айни пайтда ХДП Марказий Кенгаши ва жойлардаги тузилмаларида иш қизгин. Номзоднинг Сайловолди дастурини кенг тарғиб этиш, бунда қонунчиликка тўла-тўқис амал қилиш, ижтимоий муҳитда етилиб келаятган кайфиятни ҳис этиб, сўз айтиш масаланинг бир қисми бўлса, электротар билан юзма-юз мулоқотлар, “ғалвир сувдан кўтариладиган” паллада айтилиши лозим бўлган мулоҳазалар алоҳида йўналиш.

Одамлар номзоднинг дастури билан танишар экан, унинг ишончли вакилларида дунгал саволлар беряпти, аниқ масалалар қўймоқда, айрим ўринларда, танқидий фикрлар айтиб, сиёсий куч сифатида ўтган беш йилликда **йўл қўйган камчиликларимизни ҳам айтяпти**. Демокримизки, одамлар ўзгарган, бугунги сайловчи — ўз ҳуқуқини биладиган, фикрини бемалол айта оладиган инсон. Бу

медиаштабга қўшимча масъулият юқалайди.

Умуман олганда, ХДП сайлов штабида ҳаммининг кайфияти кўтаринки, катта иштиёқ билан, режа бўйича жараёнга тайёргарлик кўриломоқда. Зотан, юрт ривожига учун ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқиди сафдошлар, партиядошлар билан **соғлом рақобат муҳитида ишлаш, жамиятга юзланиш ўзга хос завқли, ноёб воқелик**.

Гоялар кураши

Сайлов арафасида, айниқса, партияларнинг мафкура бўлимида иш қизгин бўлади. Боиси сайлов муҳиятан идеологик кураш, **мафкуралар** беллашуви ҳамдир.

Номзоднинг Сайловолди дастури концептуал жиҳатдан ХДПнинг доимий ва қатъий позицияси бўлган гоялардан озикланиб, уларга асосланган ҳолда тузилган.

Аммо мафкура жабҳасида янги сўз айтиш, айтганда ҳам ҳаммага маъқул қилиб, сайловчининг қалбида турган

ўзига хослик бағишлаб, бошқа номзодлардан яққол ажратиб турибди, десак, муболаға бўлмайди.

Танқид. Ҳа, у ҳам бор. Бизнинг гояларимиз олқиш билан кутиб олиниши баробарида, айрим ўринларда танқидларга ҳам дуч келинди. Лекин бу ҳам жараённинг бир қисми ва биз бунга тайёр бўлиб курашга киришганмиз.

Сиёсий муҳокамаларга назар

Мақсуда Ворисова томонидан илгари сурилган дастурда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёждаги товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, бошқача айтганда, нархларни назорат қилиш тақлифи бўйича кўп муҳокамалар бўлди.

Экспертлар ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари фикрларини умумлаштириб айтганда, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархи ҳамда тарифларини шакллантириш устидан жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш — яхши. Чунки бу икки томоннинг масъулиятини оширади ва соҳада ижроси бажарилаётган дастурларнинг самарадорлигини таъминлайди. Тақлиф этилаётган механизмлар давлатнинг бу соҳадаги ижтимоий сиёсатини кучайтириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлат томонидан улгуржи ва чакана савдо нархлари ўртасидаги қатъий меъёрни ўрнатиш чораси бозорда нопок тадбиркорларнинг аҳоли учун энг зарур бўлган ижтимоий маҳсулотлар нархига спекулятив таъсир ўтказишига йўл қўйилмаслиги нуктаи назаридан мақсадга мувофиқ.

Номзод бўлиб ўтаётган мулоқот ва учрашувларда дастуридаги тақлиф ва ташаббусларни партия гоялари, электротар бемалолдан келиб чиқиб асослаб амалга оширилади.

Бу гапларни айтишдан мурод шуки, **халқ демократияси** дегани аслида мана шу! Ҳеч бир қараш ёки дастур ўзгармаса, мукамал эмас, қолаверса, **Мақсуда Ворисова ўз дастурига догматик ёндашмаяпти**. Мана бу жиҳат ҳам жорий сайловлардаги яна бир ўзига хослик, очкилик, шаффофлик маҳсули дейиш мумкин.

Кучли ижтимоий сиёсат: умумий мақсад ва алоҳида ёндашувлар моҳияти

Халқ демократик партиясидан номзод ўз дастурини илгари сураб

екан, кучли ижтимоий сиёсат гоясини давлатнинг фуқаролар олдида бурчли экани нуктаи назаридан ривожлантирди. Яъни бу — давлат ҳамма нарсани муҳтожларга муҳайё қилишини кўзлаб илгари сурилган

“ ХДП номзоди томонидан дастур мазмун-моҳиятида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, хусусан, камбағал қатламига асосий эътибор берилгани, нафақат ҳуқуқлар, балки уларни амалга оширишда имкониятлар тенглиги масаласи изчил қўйилгани ижобий баҳоланмоқда.

” **гоя эмас, балки ижтимоий мулк**

ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро устувор ҳуқуқлари амалга ошишида бир хил имкониятга эга бўлиши билан боғлиқ принципиал масаладир.

Ўтган беш йилликка қаралса, мазкур сиёсий маслак билан ҳамоҳанг 10 дан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганини кўришимиз мумкин. Демак, **фарқлар ижро механизмлари ва ёндашувларда бўлиши мумкин**, аммо кучли ижтимоий сиёсат юритиш гояси, орзуи ҳамиша давлатга вобаста, унинг моҳиятига битилган ўлмас гоядир.

Хўш, биз нимани тақлиф этиямиз? Айримлар ўйлаганидек, бу гоя ХДП номзоди талқинида давлат томонидан аҳолига бепул ижтимоий хизматлар кўрсатиш эски коммунистик таъмоилларга қайтиш бўлиб жаранглаяптими?

Йўқ, бизнингча, масалани бундай тушуниш анча жўн ёндашув. Маълумки, қайси давлатда аҳоли манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда сиёсат олиб борилса, ўша мамлакатда осудалик, фаровонлик ҳукм суради. Бундай мамлакатда аҳоли фаровон турмуш кечириши учун барча шарт-шароит яратилади, адолат қарор топади. Ижтимоий масалалар, жумладан, ичимлик ҳамда оқова сув, ички йўллар, бошқа инфратузилма объектларининг қурилиши, бандлик дастурини тасдиқлашни туман ва шаҳар Кенгашлари ваколатига ўтказиш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳа, хусусий мулк бор жойда бу борадаги барча фаолият, ҳаттоки,

гоянинг ўзи ҳам ушалмас ваъдалар бўлиб туюлиши мумкин. Қолаверса, бу гояларни амалга ошириш учун жуда катта маблағ, моддий ресурс, энг асосийси, аҳолининг шунга мос дунёқараши, турмуш тарзи етарли даражада бўлиши муҳим.

Бошқа томондан олганда, бундай ёндашув билан ижтимоий сиёсат юритиш жамиятда ўзаро келишмовчиликни юзага келтириши, натижада кўп ўтмай, танг ҳолат юзага келиш эҳтимоли ҳам бор. Факт шуки, бу соҳада биз ривожланишнинг дастлабки босқичида турибмиз.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат нима ўзи?

Сайловолди жараёнларда ХДП номзоди томонидан илгари сурилган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат мавзуси кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

Аввало, иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий жиҳатдан самара бериши борасида унинг устувор йўналишларини белгилаш катта жасорат. Мазкур вазифининг бажарилиши аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий фарқнинг қисқаришига олиб келади. Бу жараёнда давлатнинг тартибга солиш борасидаги иштирокини кучайтириш жуда муҳимдир. Айниқса, умумдавлат аҳамиятига молик иқтисодиёт тармоқларини мустаҳкамлаш мамлакат қудратини оширади ва ижтимоий сиёсат олиб боришнинг иқтисодий механизмларини тартибга солади. Бу эса, ўз навбатида, кам даромадли аҳоли қатламлари миқдорини икки баравар қисқартиришга эришишга, умуман олганда, жамиятнинг барча соҳасида муҳим ўзгаришларга олиб келади.

Яна такрорлаймиз. Гап бу ерда камми борларга ҳар доим бериб туриш ҳақида эмас, балки ҳуқуқларини амалга оширишни кафолатлаш, ҳаммага имконият бериш масаласи ҳақида кетмоқда. **Халқ демократик партияси хусусий мулкка, бойлар кўпайишига ҳеч қачон қарши бўлмаган, номзод бундай фикрни дастурга киритиш**

— Муқобиллик, деганда бир масалани ҳал этишда ёки бирон-бир мақсадга эришишга турлича ёндашувчи ва сайловларда ўз қарашларини илгари суришига қараб фарқланувчи сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобатни тушуниш лозим.

Ўзбекистонда сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг барчаси ғалаба учун курашга киришганини эълон қилди. Шунинг ўзи Ўзбекистондаги сайловларда турли фикрлилик, турли қарашлар асосида партияларнинг ёндашуви кўралимиз. Бу, ўз навбатида, партияларнинг бири бировига нисбатан муқобил ҳаракати борлигини кўрсатади.

Умуман, сайловолди ташвиқотга старт берилгач, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари электротар билан юзма-юз мулоқот қилиб, ўз дастурларининг ҳар бир банди бўйича тўхталиб, фикр айтаётир. Жараён оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Яна бир очик-ойдин ҳақиқат шуки, биз оғир-босик, мулоҳазали халқмиз. **Сайловолди фаоллик деганда, бақир-чақирларни, можаролни чиқишларни, хашаки танқидларни тушунамслик керак.** Бордию шундай қилиш номзоднинг ғалабаси учун манфаатли, фойдали, **сайловчининг жалб этишда аҳамиятли бўлганда эди, аллақачон бу йўлга ўтилар эди.** Ҳали ундай бўлмади, чунки номзодлар ўз халқини, унинг фелъ-атворини, **маданиятини** яхши ҳис қилишади, шунга мос тарғибот кампанияси амалга оширилади.

Номзодлар наинки ўз дастурлари, бошқа рақобатчиларининг ҳам айрим мунозарали фикрларига тўхталиб ўтишмоқда, қолаверса, рақобат муҳити, ҳудудларга, **номзодларнинг ишончли вакиллари ўртасига ҳам кўчган, мамлакат беш йилликнинг энг муҳим воқеаси, яъни сайлов руҳи билан яшамокда — муқобиллик, рақобат муҳити шу бўлмаса, унда бу нима?!**

Ахборот, ахборот, ахборот

Одамларнинг конституциявий ҳуқуқларидан энг муҳими сайлов жараёнларида иштирок этиш ҳисобланади. Бугун, айни шу дақиқаларда бу мавзу ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, Президент сайловига санокли кунлар қолди.

Шу кунларда таниқли олимлар, ҳуқуқшунос-экспертлар айтаётганидек, жараёнда фуқаролар фаоллигини оширишдаги **муҳим генератор — ошкоралик ва очкилик ҳисобланади.**

Хўш, ушбу мезонга амал қилинганми? Бошқача айтганда, сайловолди тарғибот кампаниясида медиа имкониятларидан тўлиқ фойдаланилганми?

Шу кунга қадар (04.10.2021) аккредитациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар умумий сони **159 нафарни** ташкил этмоқда. Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчиларга сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун мандатларини қонунда белгиланган муддатда тақдим қилимоқда.

Аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари жами **1253 нафар**, хорижий ОАВ вакиллари эса **48 нафар** бўлди.

Сайлов оммавий ахборот воситалари билан муносабати билан махсус курсатув ва мулоқотларни йўлга қўйди.

МАХСУС БОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. Унга кўра, сайловчи ўзи турган ҳудуд қайси сайлов участкасига тегишли эканлиги ҳамда сайлов участкасининг манзили ва жойлашган геолокацияси ҳақида маълумотларни олиши мумкин (@saylov_xarita_bot).

Умуман, Президент сайлови кампанияси сиёсий партиялар, номзодлар, ишончли вакиллар, фаол фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари, энг асосийси, сайловчилар учун кўтаринки кайфиятда давом этапти. Халқимиз келгуси беш йиллик истиқболли учун овоз беришга ҳозирланмоқда. Халқ демократик партияси кўпни қўрган, ҳуқуқ ва имкониятлар ҳақида кўпроқ гапирётган партия.

Бизнинг номзодга овоз беринг!

Санд БОБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ КОНСТРУКТИВ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг 4-5 октябрь кунлари Тошкентга амалга оширган расмий ташрифи ва олий даражадаги музокаралар натижалари халқаро экспертлар ҳамжамиятида фаол муҳокама қилинмоқда.

“Дунё” АА хорижий давлатларнинг жамоат, ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакилларининг фикр-мулоҳазаларини тақдим этади.

Хосе Мария Чикийо, ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли» халқаро дастури президенти, Испания депутатлар конгрессининг Халқ партиясидан сайланган sobik аъзоси:



— Ўзбекистон Президенти беш йил давомида яхши кўшнчилик, ўзаро ҳамкорликнинг муҳим масалаларини ҳал этиш учун зарур пойдевор яратди. Икки давлат етакчилари ўртасида муҳокама қилинган долзарб масалалар, жумладан, ёқилғи-энергетика мажмуи, энергетика, транспорт-коммуникация ва қишлоқ хўжалиги соҳалари икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган иштиш ҳамда муносабатларнинг стратегик хусусиятини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида ижтимоий-сиёсий ва савдо-иқтисодий ўқинлашувнинг ташаббускори сифатида минтақада етакчилик қилаётганини таъкидлаш керак. Қўшни давлатлар Марказий Осиёнинг энг муҳим мамлаката билан барча соҳада фаол ҳамкорликни давом эттириши лозим, деб ҳисоблайман.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг аънаъанавий стратегик моҳиятини икки томоннинг баёнотлари яна бир бор тасдиқлади. Бу эса Марказий Осиёда минтақавий тараққиётнинг яхши кўшнчилик ва қардошлиқ руҳи мавжудлигини аққол ифодалад турбиди.

Ўзбекистон Президентининг очиклик сиёсати самарасида икки мамлакат ўртасидаги транспорт ҳамда транзит, энергетика, сувдан фойдаланиш соҳаларида, шунингдек, терризоризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик жараёни фаоллашди.

Шу сабабли ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга янги туртки бериш учун қўшни давлатлар раҳбарлари ўртасида ўтказилган музокаралар жараёнида асосий эътибор савдо-иқтисодий шериклигини янада ривожлантиришга қаратилди.

Чве Ён Ха, Жанубий Кореядаги Сонгмун университети профессори, Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги sobik элчиси:



ва Туркменистон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Президентининг сиёсий иродаси самарасида икки мамлакат муносабатларида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун қўлай имкониятлар эшиклари очилди. Томонлар минтақавий ва халқаро масалаларда ҳам бир-бирини ақдид қўллаб-қувватламоқда.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг навбатдаги расмий ташрифи натижаларини катта қизиқиш билан кузатдим. Икки мамлакат Президентлари кўп қиррали амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, давлатлар ўртасидаги дўстлик, яхши кўшнчилик ва стратегик шериклики мустаҳкамлаш бўйича қатъий қарорлар қабул қилдилар.

Ўзаро алоқаларнинг ўзига бўлган иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришда ташриф арасида ўтказилган Ўзбекистон — Туркменистон иқтисодий форумининг аҳамияти катта бўлди, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон раҳбари икки халқ ўртасидаги тарих, маданият, дин, маънавий қадриятлар ва аънаёлар билан ҳамбарчас болганлар кўп асрлик дўстлик ҳамда яхши кўшнчиликни юқори баҳолади.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги конструктив ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик нафақат икки халқнинг узок муддатли манфаатларига жавоб беради, балки Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилад.

Тадеуш Бодио, Варшава давлат университети хузуридаги Сиёсий тадқиқотлар институти раҳбари, профессор (Польша):



Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи эътиборга молик ва икки мамлакат учун ҳам жуда манфаатли воқеа бўлди. Дарҳақиқат, бу учрашув ривожланиш тарихининг барча босқичида бир-бири билан ҳамбарчас болганлар икки биродар халқнинг яқин мулоқотини ифода этди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига сайлангандан бери Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини ислоҳ қилишга содиқлигини намойиш этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асоси ҳам қўшни давлатлар билан очик ва фаол ташқи мулоқотга йналтирилган.

Ташриф, авваломбор, ўзаро муносабатларнинг иқтисодий таркибий қисмини ривожлантириш ва чуқурлаштириш нуктаи назаридан ҳам муҳим воқеа бўлди. Импорт, экспорт, инвестиция, янги ишлаб чиқариш объектиларини ташкил қилиш, технология алмашинуви, янги транспорт коммуникацияларини лойиҳалаш ва қуриш, туризм, трансчергаравий савдо — бу икки томонлама муносабатларнинг қисқа ва ўрта муддатдаги истиқболларининг асосини ташкил қилад.

Ўзбекистонда хусусий секторнинг самарали фаолият юритиши мамлакатда иқтисодий ўсиш ва фаровонлиқни таъминламоқда, камбағалликни ҳамда мулкий тенгсизликнинг каймайишига ҳисса қўймоқда. Ўзбекистонда самарали, фойдали ва сермахсул корхоналар қуриш борасида тўпланган катта тажриба мавжуд. Бу соҳаларда тажриба алмашиш қўшни давлатда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишда аҳамиятли бўлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш кўрсаткичларининг мисли қўрилмаган даражада ўсиши ҳам ўзаро манфаатли бўлиши мумкин. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ва саноат мажмуасида барча илгор технологияларга эга бўлиб, унинг экспорт салоҳияти жуда салмоқлидир.

Иқтисодий ўзгариш даврида Ўзбекистон тўғриван-тўғри инвестицияларнинг асосий объектиларидан бирига айланди. Бу ташқи ҳамда ички омиллар, ишчи кучининг халқаро рақобатбардошлиги, мавжуд инсон капитали, мулк ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, молиявий институтиларнинг ривожланиш даражаси туйғайли табиий ресурслар, ривожланган инфратузилма, иқтисодий имкониятлар билан

таъминланган ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун яна бир муҳим омилдир.

Шу билан бирга, жаҳон халқаро муносабатлар тизимининг ўзгариши шароитида Марказий Осиёнинг геосиёсий манзараси ҳам сезиларли ўзгаришларга юз тутиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мен Афғонистондаги бугунги вазиятни назарда тутяман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий алоқалар тизимига муваффақиятли интеграциялашуви ҳамда умумий минтақавий микёсдаги амалий лойиҳа ҳамда дастурларни ҳаётга самарали татбиқ этишга қаратилган.

Макс Сей, «Kingsley Strategic Institute» институти ижрочи директори (Малайзия):



— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлик муносабатлари сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шу ўринда икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги шахсий муносабатлар икки томонлама алоқаларнинг чуқурлашишига хизмат қилаётганини қайд этишни истардим.

Ўзбекистон ва Туркменистонда автомобил-созлик, электр техникаси саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг қўламини янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд, деб ҳисоблайман.

Шуни қайд этиш қувонарлики, томонлар икки мамлакат ҳудудларида қўшма корхона барпо этиш воситасида саноат кооперациясини ривожлантиришга ҳамда узлуқсиз қўшимча қиймат занжирини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги мураккаб даврда бу жуда долзарб аҳамият касб этади, чунки қоронавирус пандемияси натижасида маҳсулот етказиб беришининг занжирини жиддий зарбага учради.

Икки давлат ишбилармон доираларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун жозибдор шaroитлар таъминлашини бўйича мунтазам мулоқотни яратиш юзасидан билдирилган таклифни олишлайман. Бу мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоёвий алоқаларни янада кенгайтиришга қўмаклашиши аниқ.

«Дунё» АА.

Халқаро конференция

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Пойтахтимизда “Ўзбекистон: беш йил давомида амалга оширилган жадал ислохотлар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати, “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотлар асосий натижаларига бағишланди.

Конференцияда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари Ш. Адриан, Европа Кенгаши Венеция комиссияси вице-президенти Ф. Дмитриев, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ваколатхонаси раҳбари иштирок этди ва сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда сиёсий ҳуқуқий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш бўйича дастуриламал ҳужжатга айланди.

Тадбирда стратегиянинг ҳар бир йўналиши бўйича ялпи мажлислар ўтказилди. “Давлат ва жамият қурилиш тизимини тақомиллаштириш” йўналиши хусусида иштирокчилар миллий парламентнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги роли мустаҳкамлаб бериш, “Ҳукумат соати” институти жорий этилганини, Олий Мажлис палаталари солиқни сақлаш, ташқи ишлар, ички ишлар, адлия вазирларининг ҳамда ҳукуматнинг бошқа аъзолари ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш йўлга қўйилганини алоҳида қайд этди. 2019 йилда эса Давлат дастури ижроси бўйича Ҳукумат ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш амалиёти жорий қилинди.

Бюрократияга қарши курашиш натижасида давлат хизматларини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сони 2 баравар қисқартирилди. Тўрт йил ичида “Ягона дарча” тамойили бўйича қўрсатилган хизматлар сони 10 баравар оширилди.

Суд ҳокимияти мустақиллиги кучайтирилгани ўтган беш йилдаги яна бир муҳим воқеа бўлди. Биз нес-омбудсман институтининг пайдо бўлиши эса тадбиркорлар ҳимоясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қайд этилганидек, стратегия-

нинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш” йўналишидаги ислохотлар солиқни қайта қилиш имконини берди. Шунингдек, давлат фондлари аҳраятмалар ва сугурта бадаллари ҳам бекор қилинди ҳамда солиқ тегишривлари турлари 13 тадан 4 тагача қисқартирилди.

Қатнашчилар томонидан 2017 — 2020 йиллар давомида мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 1,4 баробар ошгани, инфляция даражаси 18,8 фоиздан 11,1 фоизга пасайтирилгани алоҳида айтиб ўтилди. Бу даврда ижтимоий соҳа ҳам изчил ривожланди, яъни аҳоли турмуш даражаси ошди, соғлиқни сақлаш тизими мустаҳкамланди.

Мақтабгача таълим тизимида катта ўзгаришлар рўй берди. 2016 йилда 5,2 мингта болалар босчаси фаолият кўрсатган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 18,3 мингтага өтди. 2020 йилда мактабгача таълим билан болаларни қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 27,7 фоиздан 61 фоизга өшди.

Олий таълим тизимида ҳам катта натижалар қўлга киритилди. 80 дан ортиқ янги олий ўқув юрти ташкил этилди, хорижий олий ўқув юртиларнинг 20 га яқин филиаллари очилди, 10 та хусусий олий ўқув юрти ўз фаолиятини бошлади.

Педагог ва тиббиёт ходимлари мажбурий меҳнатга жалб этиш амалиётига барҳам берилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 86 та мамлакат фуқаролари учун визасиз режим амал қилмоқда, республика бу йўналишда халқаро рейтингларда бир неча поғонага кўтарилди.

Конференцияда “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Э. Туляков томонидан Reforms.uz ягона электрон платформаси тақдимоти ўтказилди. Айтиб ўтилганидек, эндиликда қизиқувчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар натижалари ҳақидаги батафсил маълумотни ушбу платформа орқали олишлари мумкин.

«Халқ сўзи».

БУНДАН 3-4 ЙИЛ АВВАЛ БУ КЎРСАТКИЧ 30 ФОИЗГА ҲАМ ЕТМАГАН ЭДИ, БУГҮН ЭСА 51 ФОИЗДАН ОШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга яратилган меҳнат шaroитлари ҳамда улар фаолиятини баҳолаш тизимини янада тақомиллаштириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида”ги масалани муҳокама қилди.

«Ҳукумат соати»

Халқ вакилларининг ушбу масала юзасидан саволларига халқ таълими вазирлиги раҳбари Темуржон Комилов жавоб берди.

Унинг таъкидлашича, кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсасида барча соҳа қатори таълим тизимида ҳам тўб ислохотлар олиб боришмоқда. Хусусан, мамлакатимизда таълим тизимини тақомиллаштириш, ўқитувчи ва му-

аллимлар учун зарур шарт-шaroитлар яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Депутатлар умумтаълим мактаблари ўқитувчилари фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизими ва механизмлари ҳамда мазкур тизимнинг адолат принциплари асосида ишлаши ва шаффофлигини таъминлаш бўйича бажарилаётган ишлар билан қизиқди.

Вазир ўринбосари ўз жавобида халқ таълими ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига барҳам беришга туйғайли 59 минг нафар педагог ходимнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, 2021 йилнинг ўзида 2 нафар мансабдор шахсдан 24,5 миллион сўм жарима ундирилганини қайд этди. Шунингдек, бошқа тармок соҳаларидан фарқли равишда илк мартаба белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагог ходимларнинг иш ҳақи 1,5 баравар оширилган.

Натижада охириги тўрт йилда халқ таълими тизимига қарийб 40 минг нафар эркак ўқитувчи қайтди. Ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар сони 67 мингдан 49 минг нафарга камайибшга эришилди. Энг муҳими, педагог ходимлар томонидан юри-

тиладиган ҳужжатлар қайтарилиб, пенсия ёшига тўлган педагог кадрлар навбатдаги аттестацияга жалб этилмайдиган бўлди. Аттестациядан ўтганлик мuddати тугашидан қатъи назар, уларнинг амалдаги малака тоифаси (лавозими) саклаб қолинади ҳамда мазкур малака тоифаси бўйича ҳақ тўланади.

Т. Комилов жавобида аттестация йилида икки мартаба ўтказилиши белгилангани натижасида бир йилнинг ўзида тоифага эга бўлган ўқитувчилар сони 260 мингдан 379 мингга кўпайгани, бугунги кунга келиб тоифага эга бўлган ўқитувчиларнинг салмоғи 51 фоиздан ошгани таъкидланди. Вақохлакни, бундан 3-4 йил аввал бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етмаган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

11 январдаги тегишли қарорига асосан олиш ва чекка ҳудуддаги ҳамда таълим сифати паст бўлган мактабларга дарс бериш учун жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчининг базавий тарифи ставкаларига вилоят доирасида бошқа туман (шаҳар)дан келса 50 фоиз, бошқа вилоятдан келса 100 фоиз махсус устамалар жорий қилинган.

Халқ вакиллари “Ҳукумат соати” да бу борада олиб борилаётган ислохотларни янада ривожлантириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдириб ўтди. Муҳокамалар якунида мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олindi.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугунги кунда юртимизда демократия ва инсон ҳуқуқларининг замонавий меъзоларида жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим шаклланди. Миллий қонунчилик ва ҳуқуқий муҳоба қилиш амалиётида инсон ҳуқуқлари стандартларининг тизимли ва изчил амалга оширилишини таъминлаш учун ноёб модель ишлаб чиқилди.

Мушоҳада

Ўзбекистонда сўнгги йилларда болалар меҳнатидан бутунлай воз кечиш ҳамда давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар олдига жавобгарлигини, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга қаратилган аниқ чораларни қўришга муваффақ бўлинди. АҚШ Давлат департаменти 2020 йил декабрида Ўзбекистон диний ҳуқуқларни бузганлик учун махсус кузатувлар рўйхатидан чиқарилди. Юртимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро конвенцияларга қўшилди, жумладан, 6 та асосий шартнома ва БМТнинг 4 та ихтиёрий протоколи, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил июнь ойида қабул қилинган Миллий стратегияси инсон ҳуқуқлари сиёсатини амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатлар асосида мамлакатда ушбу йўналишда муайян ишлар бажарилиди. Масалан, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси шарофати билан парламентимиздаги хотин-қизлар сони икки баравар өшди. Агар шулар қаторига “Ноғиронлиги бўлган

шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” янги қонун қабул қилинган ҳамда бу йили Давлат дастури доирасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларни қўшас, инсон ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш борасида катта силжилашга эришаётганимиз янада ойдинлашди.

Шу нуктаи назардан, давлатимизда ҳақиқатан ҳам, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик ислохотларнинг асосини ташкил этмоқда.

БМТнинг дунёдаги долзарб глобал ва минтақавий хавфсизлик, COVID-19 пандемияси шароитида барқарор тараққиёт ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини енгиб ўтиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш каби муҳим масалалар муҳокамасига бағишланган 76-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза билан иштирок этиб, унда бир нечта амбициоз ташаббуслар илгари сурди. Шунинг ўзиде, мамлакатимиз ислохотлар дастурини амалга оширишни тўхтатмаслигини кўрсатади,

десаек, айна ҳақиқат. Ўз навбатида, маърузада сўз ва оммавий ахборот воситалари, дин ва ёшдан эркинлиги, гендер тенглик ҳамда миллатлараро тотувлиқни таъминлаш борасида қатъий қадамлар ташланаётганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, юртимизда бошланган ислохотларни изчил давом эттириш мақсасида Янги Ўзбекистон стратегияси ишлаб чиқилди.

Қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари рўйхига уйғун равишда 2030 йилга қадар аҳоли жон бошига тўғри келадиган дарамадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Умуман олганда, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, ушбу йўналишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон томонидан ушбу йўналишда илгари сурилаётган ташаббуслар БМТга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётгани эса барча-мизни мамнун этади.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сайлов устакчаларида сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз беришини ташкил этиш, Ўзбекистон Президенти сайношида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари қўриб чиқилди.

ШУ ЙИЛ 14 – 20 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ MUDDАТИДАН OЛДИН OVOЗ BEPИШ ЎTKAZИЛАДИ

Ташкилланганидек, Сайлов кодексининг 57-моддасига мувофиқ, сайлов кунини ўз ашах жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Muddатидан олдин овоз бериш сайловга йн кун қолганида бошланади ва сайловга ун кун қолганида тугатланади.

Сайлов кодексининг 56-моддасига қўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларига мувофиқ, чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида мuddатидан олдин овоз бериш сайловчиларини турган жойида ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ҳамда бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларининг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилад ва бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилад.

Мажлисда қайд этилганидек, мuddатидан олдин овоз бериш шу йил 14 октябрь куни бошланиб, 20 октябрь якунига қадар ўтказилди. Сайлов участкасида мuddатидан олдин овоз бериш вақти соат 9:00 дан соат 19:00 га қадар давом этади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган сайлов участкаларида мuddатидан олдин овоз бериш



24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

ушбу сайлов устакчалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан соат 19:00 га қадар амалга оширилади.

Комиссия аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 65 нафар хорижий (халқаро) кузатувчилар аккредитациядан ўтказиш бўйича МСҚга тақдимномалар киритилиб, рўйхатдан ўтказилган. Шу қунга қадар аккредитациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар умумий сони 224 нафарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, ўтган вақт давомида 1 минг 334 нафар маҳаллий, 146 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилган.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари сайлов округлари раисларининг сайловга тайёргарлик қўриш бўйича ҳисоботлари тингланди.

Яқунда қон тартибига киритилган қарорлар очик овоз бериш орқали комиссия аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).



Бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган дунёда ижтимоий воқеликка, жумладан, маданият ва санъатга қараш ва мезонлар тинимсиз янгиланиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир. Бу жараёнлар ҳаётни яхлит бир ҳолда, жамики зиддият ва мураккабликлари билан ҳаққоний акс эттирадиган кинематография ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий, албатта.

Аминманки, қайта тикланган, ўз тарихида янги саҳифа очаётган Тошкент халқаро кинофестивали замоннинг ўзи талаб қилаётган ана шундай юксак бадий дунё мезонлар руҳида ўтади.

Шавкат Мирзиёевнинг «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали иштирокчиларига йўллаган табригидан.

2021 йилнинг 28 сентябрь — 3 октябрь кунлари мамлакатимизда «Ипак йўли дурдонаси» XIII Тошкент халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент кинофестивали илк бор 1968 йилда «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар дўстлиги учун» шiori остида ўтказилган эди. Дунёнинг 22 давлатидан таниқли кинопродюсерлар, режиссёрлар ва кино юлдузлари иштирок этган фестивалда 50 га яқин картиналар намоиш қилинган. Ушбу кинофестиваль 1988 йилга қадар мунтазам ўтказиб келинган. Совет иттифоқи парчаланганидан сўнг мазкур санъат анжумани мамлакатимизда 1992 ва 1997 йилларда ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш, ўзбек киносининг тарихий шўхратини қайта тиклаш мақсадида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ташкил этилди. «Ўзбекфильм» киноконцернининг замонавий биноси ва павильонлари фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ, 1968 — 1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказиб келинган «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали» «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланди. Ушбу санъат анжуманини ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказиб бепуллади.

«Тинчлик, тараққиёт ва маърифат» шiori остида XIII бор ўтказилган мазкур кинофестиваль орқали дунё мамлакатлари ўртасида маданий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жаҳон кино усталари билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни кенгайтириш, инсонпарварлик ва бағрикенглик, халқлар дўстлигини тарғиб қилувчи, маданий хилма-хилликни акс эттирувчи энг сара жаҳон киноси дурдоналарини жалб қилиш, ушбу санъат тури орқали халқимизнинг бой тарихи ва бетакрор маданиятини дунёга кенг тарғиб этиш кўзда тутилган. Фестиваль муносабати билан 6 — 29 сентябрь кунлари Тошкент шаҳридаги Адиллар хабархонасида Ўзбекистон Кинематография агентлиги бюроматсига асосан суратга олинган «Халқ юраги» туркумидан буюк шоир ва адибларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намоиш қилинди.

28 сентябрь кўни Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ипак йўли дурдонаси» XIII Тошкент халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда 355 хорижлик киносиниждорлар ва дунёнинг 55 таниқли кино юлдузлари иштирок этди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий номи-



даги кино саройи — «Киночилар уйи» бугунги кунда энг замонавий кино мажмуаларидан биридир. Унинг худдида фильмларни намоиш қилиш учун 10 та кинозал, жумладан, премьералар ўтказишга мўлжалланган 1890 ўринли катта кино ва концерт зали мавжуд. Бугунги кунга келиб, кинотеатрда кенг қўламли реконструкция ишлари олиб борилади ва бу ерда яқинда ўзбек кинематографиясининг 100 йилликдан зиёд тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар, фотосуратлар, кинотасмалар, либослар, қўлёзмалар, машҳур фильмларнинг афишалари ўрин олган кино тарихи музейи очилди. Санъат анжумани иштирокчилари музей филиали билан ҳам танишиш имконига эга бўлишди.

Кинофестиваль доирасида «Янги авлод киноси» ва «Кино беш кунда» танловлари ўтказилди.

«Янги авлод киноси» танловида 25 мамлакатдан келган 50 дан ортиқ киноижодкорлар сўнгги йилларда яратилган қисқа метражли фильмлари билан иштирок этди. «Кино беш кунда» танловида эса кинорежиссёр 5 кун муддат ичида инсоний қадриятлар, экология ва саломатлик, ҳамжихатлик, миллий ва глобал қарашлар акс этган қисқа метражли фильмларни суратга олиб, танлов ҳайъатига топширишлари керак эди. Ушбу ижодий беллашувда дунёнинг 11 давлатидан келган 30 нафар ёш ижодкор қатнашди. «Янги авлод киноси» ва «Кино беш кунда» лойиҳалари асосида тақдим этилган фильмлар кинофестиваль павильонларида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Фестиваль доирасида ўрин олган «Жаҳон киноси кўнари»да ўн тўрт давлат — Озарбайжон, Беларусь, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Полша, Россия, Тожикистон, Туркия, Ўзбекистон кино ижодкорлари қатнашди.

«Жаҳон киноси кўнари» лойиҳасининг хорижий иштирокчилари ўзбек санъаткорлари ҳамроҳлигида мамлакатимизнинг турли худдаларида ҳам бўлишди ва Тошкент шаҳридаги «Киночилар уйи» ва «Renaissance Hall» киноконцерт зали, Самарқанддаги «Family Park», Бухородаги «Бухоро» ва «Chinor Cinema», Хивадаги Худойберган Девон номидаги кинотеатрлар очилиш маросимларида қатнашилди. Бундан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Шаҳрисабз, Жиззах, Гулистон, Хива, Нукус шаҳарларидаги 20 та кинотеатрда ўзбек ва жаҳон кино ижодкорлари суратга олган 150 га яқин фильмлар намоиш қилинди. Мазкур тадбирлар давомида юртимизнинг турли худдаларида 20 та мактабга ўзбек кино ривожига катта ҳисса қўшган марҳум санъаткорлар номи берилди.

Фестиваль доирасида ўтказилган «Ўзбекистон киноси кўнари» алоҳида



Мазкур кинофестиваль орқали дунё мамлакатлари ўртасида маданий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жаҳон кино усталари билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни кенгайтириш, инсонпарварлик ва бағрикенглик, халқлар дўстлигини тарғиб қилувчи, маданий хилма-хилликни акс эттирувчи энг сара жаҳон киноси дурдоналарини жалб қилиш, ушбу санъат тури орқали халқимизнинг бой тарихи ва бетакрор маданиятини дунёга кенг тарғиб этиш кўзда тутилган.

аҳамиятга эга. Жойларда ўзбек киносининг таниқли арбоблари, Матқуб Матчонов, Теша Мўминов, Хайрулла Садуллаев, Саида Рамотова, Турғун Бекназаров, Муяссар Бердиқуллова, Толиб Мўминов, Раъно Шодиёва, Муҳаммадис Абдулхайров, Лола Элтоева, Самилдин Лутфуллаев сингари таниқли актёр ва актрисалар иштирокида учрашувлар ўтказилди. Ўзбек кино усталари томонидан суратга олинган «Тутқулчи», «Бир кунлик тўй», «Самарқандда қовун таъми», «Бардош» сингари бадий фильмларнинг намоиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кинематография соҳаси учун юқори малакали ижодий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, етакчи хорижий олий таъ-

лим ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

2018 йил 19 октябрда Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши тўғрисида» битим имзоланган эди. 2021 йил 28 август кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Айтиш жоизки, бу қарорнинг имзолаши мамлакатимиз олий таълим тизими ва кинематография ривожига муҳим тарихий воқеа бўлди. Жаҳон кинематография таълимида Бутунроссия давлат кинематография институти алоҳида ўрин тутди. Бир асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган ушбу институтдан айна пайтга қадар жаҳон киносининг қўлаб кўзга кўринган намоёндалари етишиб чиққан. Хусусан, ушбу таълим

даният йўналишидаги олий ўқув юртлири иштирокида «Кино соҳасидаги таълимнинг долзарб масалалари ва истиқболлари» мавзuida I халқаро конференция ҳам ўтказилди. Унда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларидан кино йўналишида таълим бериладиган олий таълим муассасалари ректорлари ва мутаассадилари иштирок этди. Конференцияда кино таълимидаги муаммолар, унинг методологияси, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, талабалар ва магистрантларнинг билим ва малакасини ошириш, янги ўқув қўланмаларини яратиш сингари масалалар муҳокама қилинди.

Кинофестиваль дастуридан ўрин олган «Марказий Осиё мамлакатлари киноси кўнари» ҳамда шу муносабат билан ўтказилган конференция минтақавий маданий ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқич бўлди. Кинофестиваль доирасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон кино ташкилотларининг мутаассадилари иштирокида муокаралар ўтказилди. Ҳамкорлик бўйича бир қатор меморандумлар имзоланди. Қардош халқлар ижодкорлари томонидан сўнгги йилларда яратилган киноасарлар намоиш қилинди. Кинофестиваль доирасида 11 мамлакатдан келган ҳужжатли кино усталари иштирокида «Ҳужжатли кино кўнари» ҳам ўтказилди. Улар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат дарслари, турли мамлакатларда яратилган 25 та ҳужжатли фильм намоиш қилинди.

Кинематографиянинг энг муҳим масалаларидан яна бири яратилган киноасарларни сақлаш ва кейинги авлодларга ҳам бекам қўст етказишдир. Айна пайтга қадар Ўзбекистон Миллий кино фонди ўз биносига эга эмасди. «Ўзбеккино» Миллий агентлигида етарлича шароитлар бўлмагани учун жуда кўп тарихий тасмалар Ўзбекистон Миллий архивига топширилган эди. Мазкур санъат анжумани доирасида Ўзбекистон Миллий кино фонди ҳам ўзининг алоҳида биносига эга бўлди.

Турли мамлакатлардан таширф буюрган таниқли кино арбоблари, кинорежиссёрлар ва операторлар, актёрлар ва кинотанқидчилар кинофестиваль кўнари янги Ўзбекистонда оз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишишди. Улар ўз таассуротларини ўртаклашди.

Биринчи марта Тошкентга ҳамкорликда фильм ишлаганимизда келгандим, бир ой давомида бу ерда яшаганимиз, аммо мамлакат билан яқиндан танишиш имкони бўлмаган, — дейди ҳиндистонлик киноактёр ва продюсер Митхун Чакраборти. — Тошкентга яна келиб, ҳайратимни яшира олмадим. Аэропортнинг ўзидаяқ улкан ўзгаришларни ҳис қилдим. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида азалдан жуда яқин дўстона алоқалар бўлган ва бугун ҳам бу алоқалар билан алоқалар ривожланиб бормоқда. Бундай тадбирлар давлат обрўсини юксалтиради. Бу ерда бўлган ҳар бир юлдуз ўз хотиралари, таассуротлари билан ўртаклашди. Уларнинг фикри, албатта, кўп одамларни эътиборсиз қолдирмайди. Табиийки, Ўзбекистонга қизиқиш янада ортади. Шу ўринда Ўзбекистон Президентини Марказий ва Жанубий Осиёда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётгани ҳам алоҳида эътибор этмоқчиман.

Мен дунёнинг турли мамлакатларидаги кинематографистлар қатори машҳур ва афсонавий кинофестивалнинг қайта тиклангани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятидан жуда миннатдорман, — дейди америкалик кинорежиссёр Стивен Сигал. — Жаҳоннинг қўлаб мамлакатларидан келган таниқли кино намоёндалари иштирокидаги мазкур кинофестиваль жуда катта миқёсдаги воқеага айланишига ишонаман. Янги Ўзбекистондаги Тошкент халқаро кинофестивали дўстона ва ижодий мулоқотларга бой бўладиган майдон

сифатида ўзининг аввалги шўхратини яна қайта тиклайди.

Туркиялик ҳужжатли кино устаси Ҳусейн Ўзденнинг фикрича, «Туркия ва Ўзбекистон ўртасида муштарак жиҳатлар жуда кўп. Мен Онадўлида, Туркияда нимани кўрган бўлсам, Ўзбекистонда ҳам шунини топа оламан. Тилимиз, урф-одатларимиз, эътиқодимиз бир. Ўзбекистондаги бу галги таширфим асосида жуда катта ўзгаришларга ғувох бўлдим. Биргина Тошкент халқаро кинофестивалининг қайта тикланиши ҳам янги Ўзбекистоннинг ютуқларидан бири, деб бемалол айтиши мумкин. Мен ушбу кинофестивалда турк дунёсининг буюк мутафаккири Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ҳужжатли фильм билан иштирок этдим. Фильм учун маълумот тўплаш асосида бир қатор ўзбек ва турк олимлари билан учрашдим. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида имкон қадар янги маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Зотан Навоий шахсияти, унинг бой маданий меросини аниқлаш ҳар бир туркий миллат вакили, жумладан, менинг ҳам инсоний бурчимдир».

«Ипак йўли дурдонаси» кинофестивалининг

лойиҳаси ишга туширилди. Айна пайтда платформада 100 дан ортиқ бадий ва ҳужжатли фильмлар, шунингдек, ўзбек ва рус тилларидаги мультфильмлари юқори сифатда томоша қилиш мумкин.

Кинофестивалнинг беш нафар махсус меҳмонига Кинематография ривожига қўшган ҳиссаси учун махсус статуэткалар ҳамда 20 миң АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотлари топширилди. Улар орасида россиялик кинорежиссёр Никита Михалков, туркиялик кинорежиссёр Нури Билге Жейлан, Қирғизистон Республикаси халқ артисти Айтўрган Темирова, Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева, таниқли актёр, хиндистонлик режиссёр ва продюсер Рандхир Капур бор.

Мазкур кино анжумани давомида «Ўзбекистон кинематографияси» нобб китоб-альбомининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти кўмағида ўзбек киноси тарихига бағишланган ушбу китоб замонавий полиграфия талаблари ва андозастрига мос равишда нашрдан чиқарилди. Китоб нобб ар-



хив суратлари, ўзбек киноси тарихига оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр қилинган ушбу китоб бир гуруҳ ўзбек киносининг билимдон мутахассислари, таниқли киношўнос олимлар, миллий киноарбоблар ва хорижлик мутахассислар ёрдамида яратилган. Фестиваль доирасида Россия, Туркия, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан 7 та ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Жумладан, таълим соҳасидаги ҳамкорлик меморандумлари, «Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий» кино лойиҳаси, Хўжа Нарсриддин ҳақида анимация фильм яратиш ҳақидаги меморандумлар шулар жумласидандир.

«Ипак йўли дурдонаси» XIII Тошкент халқаро кинофестивали якуналарига кўра, «Кино беш кунда» танлови бўйича германиялик ёш киносиниждорлар Дениел Асади Фаззи ҳамда Мила Жупенко суратга олган «Қирқо» бадий фильми «Экологик муаммоларнинг ёрқин ифодаси учун» номинациясида ғолиб деб топилди. «Лариса» фильмининг суратга олган эстониялик режиссёр Надия Тушка «Оилавий қадриятлар ифодаси учун» мукофотланди. «Маърифат ва тараққиёт» номинациясида «Қаҳрамонлик сари» фильми муаллифи, озарбайжонлик режиссёр Мурод Хусайнов тақдирланди.

«Энг яхши эркак роли» учун ҳамюртимиз Турсунбой Пиржонов, «Энг яхши аёл роли» учун ҳам ўзбекистонлик Мадина Маҳмудова тақдирланди. Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин ва 15 миң АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофоти ўзбекистонлик Шерзод Ҳасановага, 2-ўрин ва 10 миң АҚШ доллари Жанубий корейлик Пак Су Минга, 3-ўрин ва 7 миң АҚШ доллари яна бир ҳамюртимиз Саидяло Мақсудхоновага nasib этди.

«Янги авлод киноси» танловида эса «Энг яхши эркак роли» учун тожикистонлик Абдукарим Машраб, «Энг яхши аёл роли учун» «Франка» фильми бош роль ижрочиси Мария Поддубна лойиқ қўрилди. Мазкур фильм режиссёри Дмитрий Семёнов «Энг яхши режиссёрлик иши учун» мукофотини қўлга киритди. Тожикистонлик Манзарали Шерали томонидан суратга олинган «Юк» бадий фильми танловнинг «Энг яхши фильми» деб топилди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида россиялик машҳур кинопродюсер, халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзоси Тимур Бекмамбетов Кинофестиваль иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига йўллаган мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Унда «Биз бетакрор Ўзбекистон заминидан ўн тўртинчи кинофестиваль ҳам юқори даражада ўтишига ишонамиз ва сабрқилиш билан кутамиз! Ўз навбатида, биз ҳам ўзбекистонлик томошабинларни янги санъат асарлари билан қувонтиришга, ёш киносиниждорларнинг янги номларини кашф этишга ҳаракат қиламиз», дейилади. Бу эса «Ипак йўли дурдонаси» халқаро кинофестивалига қизиқиш жуда юқорилигидан далолатдир.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 386 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обрўсини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 00.40

1 2 3 4 5 6